

Ўзбекистон Республикаси Илимлар Академияси

Қарақалпақстан бўлимининг

ХАБАРШЫСЫ

Журнал 1960-жылдан бослап шығып атыр

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Қарақалпоғистон бўлимининг

АХБОРОТНОМАСИ

Журнал 1960 йилдан нашр қилинмоқда

ВЕСТНИК

Қарақалпақского отделения

Академии наук Республики Узбекистан

Журнал издается с 1960 года

№ 3

(268)

Нукус - «Илим» - 2022

Учредитель и издатель: Каракалпакское отделение Академии наук Республики Узбекистан

Главный редактор академик Н.К. АИМБЕТОВ

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

НАРЫМБЕТОВ Б., кандидат физико-математических наук (заместитель главного редактора);
ТЛЕУМУРАТОВА Б.С., доктор физико-математических наук;
УТЕБАЕВ Д., доктор физико-математических наук;
КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К., доктор физико-математических наук;
ТУРЕМУРАТОВ Ш.Н., доктор химических наук, профессор;
ЗАКИРОВ Б.С., доктор химических наук, профессор;
ТОЖИБАЕВ К.Ш., доктор биологических наук, академик;
ЖУМАНОВ М.А., доктор биологических наук, профессор;
АБДУЛЛАЕВ И.И., доктор биологических наук, профессор;
МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М., доктор биологических наук, профессор;
АИМБЕТОВ И.К., доктор технических наук;
ШАМШЕТОВ С.Н., доктор технических наук, профессор;
ДЖУМАШЕВ А.М., доктор исторических наук;
КАРЛЫБАЕВ М., доктор исторических наук;
НИЯЗИМБЕТОВ М.К., доктор философских наук;
АБДИНАЗИМОВ Ш.Н., доктор филологических наук, профессор;
АЛЬНИЯЗОВ А.И., доктор филологических наук;
НАЖИМОВ П.А., доктор филологических наук;
ХОШНИЯЗОВ Ж.Х., доктор филологических наук;
БЕКБЕРГЕНОВА З.У., доктор филологических наук, профессор;
КАБУЛОВ М.К., доктор медицинских наук, профессор;
УТЕПБЕРГЕНОВ М.А., доктор психологических наук.

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41, тел.: **(61) 222-98-94.**

web-сайт <http://aknuk.uz/vestnik.html>

Зав. редакцией **К.Ж. Турекеев.**

Корректурa: **В. Султангулова, К.Ж. Турекеев.**

Компьютерная верстка: **В. Султангулова.**

Сдано в набор 03.08.2022. Подписано к печати 11.10.22. Формат бумаги 60x84 ¹/₈. Печ. л. 12.
Тираж 100 экз. Заказ 3. Цена договорная. Каракалпакское отделение Академии наук Республики
Узбекистан. Регистрационный номер 01-040.

Отпечатано в отделе печати журнала «Вестник». Реестр №10-3560.

© Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

Содержание

ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

Физика

Калбаев С.Е., Дадажонов Г.А., Катгаев Н.Т., Акбаров Х.И. – Исследование спектральных свойств CdTe квантовых точек.....	5
--	---

Техника

Шерфединов Л.З., Аимбетов И.К. – Параметры водно-солевого стока верховьев Амударьи	11
Байманов К.И., Байманов Р.К., Назарбеков К.К. – Закономерности осаждения частиц наносов в малоскоростном турбулентном потоке	15
Сиддигов И.Х., Абубакиров А.Б. – Cloud computing мониторинг несимметричных величин и параметров электрических сетей.....	22

Химия и химическая технология

Даукеева Г.У., Бердимбетова Г.Е., Балтабаева С.Д. – Род – <i>Apium Graveolens</i> L. фармакологические свойства и применение в народной медицине	30
Балтабаева С.Д., Бердимбетова Г.Е. – Род морковь – <i>Daucus</i> L. биологические особенности и применение в народной медицине	33
Абдукадиров Ф.Б., Камалов Дж.К., Касимов И.У., Айтжанов О.Дж., Алласугиров Н.Б. – Особенности снижения пожарной опасности строительных полимерных материалов и конструкций.....	38
Алламуратова А.Ж., Эркаев А.У., Реймов А.М., Таиров З.К. – Подготовка фосфоритов Центральных Кызылкумов при производстве фосфорсодержащих удобрений	41

Биоэкология и сельское хозяйство

Орел М.М., Матжанова Х.К. – Современное состояние некоторых видов растений из флоры Каракалпакстана	48
Отенов Т., Гроховатский И.А., Отенова З.Т. – Аморфа – представитель флоры Северной Америки из семейства Бобовых в условиях Каракалпакстана.....	52
Уразымбетова Э.П. – Динамика экосистемы Южного Приаралья	58
Худайбергенов Н.М. – Янги интенсив навбатлаб экиш дехкончилиг системасининг Оролбўйи дехкончилигига таъсири.....	61
Аимбетов Н.К., Атаджанов Х.Л., Мусаев А.К. – Методика и программа для оценки объема цист артемий в Аральском море.....	64
Кубланов Ж.Ж., Тлеумуратова Б.С. – Некоторые вопросы развития фитоценозов на осушенном дне Аральского моря	69
Тлеумуратова Б.С., Нарымбетов Б.Ж. – Изменения климата в Южном Приаралье и их экономические факторы	76
Жумамуратов А., Мамбетуллаева С.М., Жумамуратов М.А., Ажимуратов А. – Определение растворимой части химических элементов в сильнозасоленных почвах выщелачиванием дистиллированной водой	81
Бахиева Л.А., Абдиниязова Г., Атажанова А.Д., Бектурсынова Д.П. – К вопросу зональной специфики формирования качества вод в водоемах Южного Приаралья	89
Нахалбоев А.А., Аликулов Б.С., Раджамуратов З.Т. – Перспективы производства высококачественных бионутриентов биотехнологическими методами.....	93
Розумбетов К.У., Есимбетов А.Т., Ибраймова А.К., Абдуллаева Г.В. – Эволютивные типы конституции у девушек под влиянием региональных факторов внешней среды.....	97

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

Экономика

Нажимов И.П. – Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатини ривожландиришнинг ўзига хос хусусиятлари	102
Убайдуллаев Н.И. – Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштиришда давлат харидлари тизимининг аҳамияти	106

***История, философия, правоведение,
религия, социология и политология***

Назаров Н. – Ўрхун-Енисей битикларининг тарихий аҳамияти.....	109
Муратбаева А.Б. – Баспа сөздин миллетлар аралық татыўлықты қәлиплестириўдеги хызмети (Наўрыз улыўма халықлық байрамы мысалында).....	115
Сейдабуллаева Н.Т. – Ўзбек сиёсатшунослигида сиёсий коммуникация тизимининг тадқиқ этилиши.....	119
Турманов С.Т. – Дунё мамлакатларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича тажрибалар.....	122
Ниязимбетов М.Қ. – Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни билиш контекстида моделлаштириш парадигмасы методологик стратегия сифатида	128

Филология

Өтениязов П.Ж. – Халық ертеклерининг классификациясы мәселелери.....	134
Максегова Ф.А. – «Саятхан-Хәмире» дәстанындағы ўақыяларды кескинлестириўши образлар типологиясы.....	139
Қалендерова А.М. – Қарақалпақ халық шешенлик сөзлери ҳәм анекдот жанрының өзине тән өзгешеликлери.....	144
Нуратдинова Г.Қ. – Қарақалпақ жоқлаў қосықларының классификациясы.....	148
Ешимуратова А.А. – «Хәўжар» қосықларының халқымыз турмысында тутқан орны	153
Бекбергенова З.У. – С.Баҳадырованың дәретиўшилиқ лабораториясы ҳаққында	156
Утамбетова А.Ж., Бекжанова Р.С. – К.Алламбергенов – «Едиге» дәстаның изертлеўшиси (жазыўшы ҳәм илимпаздың лабораториясына штрихлар).....	161
Утемуратова Х. – Шайырдың дәретиўшилиқ лабораториясын изертлеў	166
Мамбетова М. – Шайыр Оразбай Сәтбаев поэзиясында көркемлик шеберлик	170
Сайымбетов Ш. – Қарақалпақ поэмалары қурылысында стилистикалық фигуралардың тутқан орны	173
Мәтеков А. – Ғәрезсизлик дәўири қарақалпақ прозасында Нәжим Дәўқараев образы.....	177
Палымов Ф.Н. – Заманагөй романда илимий ҳәм көркем ойлаўдың синтези (К.Мәмбетовтың «Хўждан» романы мысалында).....	180
Альниязов А.И. – Дизбекли қоспа гәплерди уқаслық ҳәм өзгешелик концепциясы бағдарында изертлеў мәселеси.....	184
Нажимов П.А. – Қарақалпақ тилинде теңеўлер – этнолингвистикалық дерек сыпатында.....	189
Заримбетов А.А. – Сопоставительный анализ концепта «гостеприимство» в русском и каракалпакском языках	192
Темирбаева М. – Халық дәстанларын лингвофольклорлық бағдарда изертлеў мәселесине...195	

Юбилей

Альниязов А., Палымбетов К., Бекбергенова З., Бекимбетов А., Өтениязов П. – Жалғас Хошниязов – 75 жаста	199
--	-----

Некролог

Аимбетов Н.К., Нарымбетов Б.Ж., Торемуратов Ш.Н., Аимбетов И.К. – Жанабай Саманов.....	201
---	-----

ЎРХУН-ЕНИСЕЙ БИТИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Назаров Н.

Чирчик давлат педагогика университети

Инсон ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда тарихий жараёнларни ўрганиб, унинг таҳлилига эътибор қаратиш аҳамиятли. Чунки, ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўрганиб, ундан хулоса ва сабоқлар чиқариш шахс, миллат ва жамият аъзоларида ўз аجدодларига ҳурмат ҳиссининг юксалиши билан бир қаторда ўзликни англаш хусусиятларини ривожлантириб, туркий халқларнинг шаклланиш жараёни муштарак эканлигини идрок этишни ҳам таъминлаб боради. Ўтмиш меросларига эътибор қаратиш тарихий илдишлари бир бўлган халқлар, умуман инсоният тақдири учун масъуллик ҳиссини юксалтириб боради. Тарихий онг – бевосита аجدодлар руҳи олдидаги масъулиятни идрок этиб, ўтмишнинг ижобий жиҳатларидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш, унинг камчилик ва мағлубиятидан тўғри хулоса чиқариш лозимлиги билан аҳамиятлидир. Демак: «Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради»[1]. Тарихни ҳаракатлантирувчи куч – бу халқ, ҳамда шу халқни улуғвор зафарларга чорлашга қодир бўлган маҳоратли етакчидир. Шу боис, тарихда шахс омилини, жамоа ва жамиятга ҳос хусусият бўлган этник шаклланиш жараёнларини ўрганиш тарихий онгнинг ривожига муҳим. «Тарих ва миллат: хаёлий ўтмиш ёки объектив ҳақиқат. Бу ерда биз маълум бир этник гуруҳни шакллантирувчи тарихий хотиранинг моҳияти ҳақида муҳим саволга мурожаат қиламиз»[2]. Албатта, тарих шакллантирувчилик ва ривожлантирувчилик моҳияти билан кадрли. У биринчи навбатда ўтмишга эҳтиромона муносабат ёки ўтмиш тажрибаларидан сабоқ чиқариш хусусиятини шакллантирса, иккинчидан тарихий тафаккурга асосланган ҳолда ўзликни англашни ривожлантириб боради.

Туркий халқларнинг тарихий тафаккурида кўчманчилик ва ўтроқ турмуш тарзи ҳосиласидан иборат “Туркий цивилизация” ҳақидаги ғоялар мустаҳкам ўрин олиб, ушбу цивилизация куртаклари милoddан олдинги X-V асрлардаги сак-скиф қабилалари фаолияти билан боғлиқ. Туркий цивилизациянинг такомил босқичлари эса милoddнинг дастлабки асрларидан IX асргача бўлган давр (дастлаб хунлар, сўнгра Түрк ҳоконлиги даври)ни

камраб олади. Айрим манбаларда туркларга хос бўлган кўчманчилик турмуш тарзини алоҳида тамаддун сифатида талқин этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Лекин, ушбу жиҳат яхлит туркий цивилизациянинг етакчи элементи сифатида аҳамиятли.

Албатта, «Кўчманчилик цивилизацияси» инсониятга ўтов шаклидаги гумбазли иншоотлар, йилқичилик маданияти, қимиз тайёрлаш ва ҳоказо ютуқларни берган ўзига хос тамаддун бўлиши билан бир қаторда, муайян тарих, урф-одат, анъана ва маънавиятни ўзида мужассам этувчи цивилизация сифатида эътиборлики, ушбу жихат жаҳон ижтимоий-сиёсий ва маданий саҳнасида туркий тарихий антропологиянинг барқарорлигини тасдиқлашда ҳам муҳим. Тарихий давлатчилик қадриятлари ҳам бунини тасдиқлаб турибди.

Миллоднинг V асрида яшаб ўтган Византия элчиси ва тарихчиси Приск шундай деган экан: «Баъзи дарёлардан ўтиб, қачонлардир Аттила саройи жойлашган улкан бир қишлоққа етиб келдик, сарой қолдиқларидан у ёғоч ва тахталардан мохирлик билан қурилганлиги билиниб турипти. Шоҳ саройининг томи чодирлар билан ёпилган бўлиб, томлари миноралар ва минорачалар билан безатилган. Мана туркий меъморчилик! Европа бундай меъморчилик ҳақида билмас эди. Приск эса уни кўрган европаликлардан бири эди» [3]. Бундай меъморчилик обидаларининг туркий цивилизацияга мансублиги Приск тимсолида илк ўрта асрларда яшаб ўтган Европа тарихчилари иқроридан ҳам маълум.

Муайян тарихий даврда мавжуд маданиятлар ҳосиласидан иборат бўлган цивилизациянинг такомил босқичларида давлатчилик элементларини ўзида мужассамлаштирган сиёсий бирликлар муҳим ўрин эгаллайди. «Баъзи сиёсий уюшмалар кичик бир бекликдан йирик империя даражасига ўсиб чиққан. Хунлар, Турк ҳоконлиги, Мўғул (Чингизхон) империяси ва Темурийлар салтанати йирик империяларнинг ёрқин намуналари бўлиб, улардан деярли барчаси Марказий Евроосиё минтақасининг аксарият қисмида ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишлари баробарида ўз даврининг дунёдаги энг қудратли давлатлари даражасига чиқишган» [4]. Шуни ҳам эсдан чикармаслигимиз лозимки, X-XX асрлардаги барча туркий давлатлар VI-VIII асрларда

фаолият кўрсатган Турк ҳоконлиги қурган асосларнинг устида барпо этилганлиги билан ҳам тарихий аҳамияти юксак. Шу боис, Турк цивилизацияси ривожда милоднинг VI-VIII асрларида турклар фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг ўрни муҳим. Зеро, тарихий илдизнинг теранлиги миллий-сиёсий салобатнинг юксаклигини таъминловчи омилдир.

Қадимги турклар ўтроқ маданият ривожига ҳисса қўшиб келганлиги ҳам тарихий-археологик маълумотлардан маълум. Турклар моҳир металлурглар сифатида темирни эритишни ихтиро қилиб, ундан зарурий воситалар ясашни йўлга қўйди. Металлга ишлов бериш турклар моддий ҳаётидаги тараққиётни жадаллаштирди. Ва бундай ихтиролар инсоният томонидан ўзлаштирилиб, башарият мулкига айлана бошлади.

Туркий халқлар аجدодларига хос бўлган ушбу жиҳатларни моддий ёдгорликлар тасдиқлайди. Албатта, тарихий манба сифатида ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўрганиш XVIII ва XIX асрларда илмий жамоалар орасида анъанага айлана бошлади. Ушбу мақсад билан 1889 йилда Россия География Жамиятининг Шарқий Сибир бўлими ўзининг аъзоси Н.Ядринцевни Мўғулистонга юборганда, у Ўрхун водийсида Енисей битикларига ўхшаш битикларни топган. Албатта, бу давргача Енисей ҳавзасида худди шундай белгилар билан нақшланган ўнлаб битиклар топилган эди. 1891 йилда В.В.Радлов бошчилигидаги экспедиция Мўғулистондаги Ўрхун воҳаси битикларини ўрганиб чиқди. 1893 йилнинг ноябрида Дания олими Вилгельм Томсен Ўрхун-Енисей ҳарфлари талқинига эришди. Яъни, асрлар давомида сирли моҳият касб этиб келган белгиларни тилга киритиб, айтиш мумкинки, алфавитига мулоқот воситаси сифатида руҳ бахш этди. В.Томсен ихтиросига суянган ҳолда Россияда В.В.Радлов биринчи бўлиб йирик битикларни таржима қилиб, сирли битиклар моҳиятини очиб берди.

Даниялик олим Вилгельм Томсен 1893 йил 15 декабрида ушбу битик ёдгорликларини аниқлаш бўйича ишларни якунлаганлиги ҳақида академик жамоага илмий ҳисобот берди. У билан бир вақтда Россияда В.Радлов матнлар моҳиятини талқин этишда машаққатли, шунинг баробарида шарфли ишларни олиб бориб, туркий қадриятлар намуналарини тилга киритиб, текстологик мазмунини талқин этди. Ўрхун битиктошларида аждодларимизнинг туркий давлатни шакллантириш ва уни юксалтиришдаги машаққатлари ва заҳматли курашлари тасвирланганлиги билан эътиборни тортади. Иккинчи Турк ҳоконлиги (682-744 йй.) даврига оид маълумотлар эътиборли. Унда аждодларимизга хос бўлган ҳислатлар

тўғрисида тадқиқотчилар шундай фикрларни илгари суришади: «Элтериш ҳоконнинг Марказий Осиёда туркий давлатчиликни тиклашдаги роли аён. У Билга ҳоконнинг отаси бўлиб, унинг номи Билга Ҳокон ва Кул тегин ёдгорликлари битикларида унинг энг яқин шериги ва маслаҳатчиси бўлган Тўнюкук билан бир неча бор тилга олинади. Шунингдек, у Онгин битигида кўп маротаба эслатиб ўтилган. Ҳеч шубҳа йўқки, тарихий аҳамияти жиҳатидан Элтериш ҳокон Биринчи Турк ҳоконлиги (552-603 йй.) асосчилари Бумин ҳокон ва Истами ҳоконлар билан бир сафда туради. Айнан шунинг учун ҳам кучли рақибларга қарши фаол қуроли кураш иқтисодий ва маданий иттифоқ шакллариини жадал излаш билан бирлаштирилиши – бу ақл бовар қилмас ҳодисадир» [5].

Тарихий қадриятлар тўғрисида тўхталар эканмиз, ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар таъсирида шаклланиб, сайқалланиб, мукаммал характер касб этиб келган ижтимоий-маданий қиёфа ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Зеро, ҳар қандай халқ ёки миллатнинг жаҳон халқлари орасида тутган мавқеини ҳам, тарихий тадрижий жараёнлардаги муваффақияти, ғалабаси ва мағлубиятини таъминловчи омил ҳам миллатга хос бўлган умумий маданий-маънавий кўринишлардир. Ҳар бир шахсга хос бўлган маънавият доимий ва турғун моҳиятга эга бўлгани каби миллий маънавият ҳам статик ва барқарор моҳиятга эгадир. Европа халқларини Осиё халқлари билан миллий маънавият жиҳатидан тенглаштириб бўлмайди, албатта.

Умуман олганда, инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларида этник шаклланиш жараёнлари, Турк ҳоконлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, этноижтимоий ва маданий жиҳатларнинг тадрижий тақомили, умуминсоний маданиятга қўшган ҳиссаси каби жиҳатларни ўрганиш муҳим бўлиб, бу табиий равишда тарихий қадриятларга эҳтиром ҳиссини юксалтириб, ўзликни англашнинг ривожига хизмат қилади. Демакки, бир томондан тарихий онгнинг юксалишини таъминласа, иккинчи томондан этник ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиш орқали миллатга хос бўлган умумийликка эътибор қаратиш ҳамда ушбу жиҳатларнинг барқарор моҳиятини таъминлаб бориш – бугунги фуқаровий умумийлик сари интилаётган жамият шароитида муҳим.

Ижтимоий-маданий тараққиётни юксалтиришда, чунончи тафаккурни бойитишда турк рунологиясини ўрганиш муҳим. «Фақатгина кўп сонли ёдгорликларни таққослаш ва тафаккур қилиш орқали, ёки бир пайтлар ер юзида яшаган халқлардан қолган кўплаб ёдгорликларни солиштириш натижасида биз антик даврнинг тарихий зулмати ёритилишига умид қиламиз – ўша

кадимий замонлардаги одамларнинг урф-одатлари ва ақлий қобилиятларини билиш ва ниҳоят улар онги ва табиий иқлим орасидаги ўхшашлик билан билишга эришамиз» [6]. Албатта, антик даврни ўрганиш бугунги миллий тафаккурнинг ривожига хизмат қилувчи дастлабки поғона сифатида қаралмоғи лозим. Шу боис, Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари илк ўрта асрларда туркий халқларнинг тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиши билан бир қаторда, тафаккур имкониятлари ҳақида хулоса чиқаришда етакчи ўрин тутadi. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан ёдгорликлардаги битиклар моҳиятини талқин этиш жамият аъзоларида тарихий онгнинг юксалишини таъминлаб боради.

Тарихий онгнинг ўзликни англашдаги ўрнига урғу бериш зарур. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тарихий қадриятлар манбаси бўлиб, аввало туркийлар тарихини далилловчи ёдгорлик сифатида аҳамиятли. Ушбу ёдгорликларда бирлик ва жипсликни таъминлаш – ҳар қандай муваффақиятнинг асоси эканлиги ғояси устувор эканлиги, ўзаро низо, рақобат ва хусумат барқарор тараққиётга раҳна солувчи салбий хусусият сифатида афсус ва надомат билан ифодаланади.

Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари моҳиятига эътибор қаратгудек бўлсак, демак, ҳар қандай ютуқнинг асосида умумий муваффақиятни таъминлашга йўналтирилган яхлит фаолият ётади. Ва бундай умумийлик ижтимоий-маданий ривожланишни таъминлаб боради. Турк ҳоконлигининг фаолияти ҳам бевосита ўзаро бирлик ва яхлитликнинг ҳосиласи эди. «Маданий унсурлар, қариндошлик алоқалари, кўчманчилик иқтисодиётига асосланган умумий ҳаёт тарзининг асоси туркий кўчманчи жамиятнинг ижтимоий бирлигини таъминлади» [7]. Унда ўзаро бирлик ва ҳамжихатлик барча муваффақиятларнинг асоси сифатида эътироф этилиб, этник консолидациялашув жараёнлари туркий халқлар бирлашувида етакчи омил сифатида майдонга чиққанлиги кузатилади. Умуман олганда, ижтимоий-тарихий жараёнлардаги бунёдкорлик ва муваффақиятларнинг барчаси ўзаро бирлашув ва яхлитликнинг ҳосиласидир.

Ўрхун-Енисей тошбитиклари тарихий манба бўлиши билан бир қаторда уларнинг тарбиявий моҳияти шундан иборатки, бугунги кунда ҳам туркий халқларнинг ўзаро бирлиги, ҳамжихатлиги, ижтимоий-маданий ҳамкорликлари муваффақиятларни таъминлаш омили сифатида муҳим эканлиги заруратини ижтимоий тафаккурга сингдириб туради. Зеро, «Маълумки, инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграциялашув ва интенсивлашув билан

характерланади» [8]. Ва бу ҳамкорлик жараёнлари ҳар қандай тараққиётнинг бош омили сифатида ўзлигини намоён этади. Инсоният, шунингдек туркий халқлар тадрижий такомиллашга ривожланиш ўзаро яқдилликнинг ҳосиласидир. Шу боис, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида республика раҳбарияти томонидан туркий халқларнинг, жумладан минтақа аҳолисининг ҳамкорлигига асосий эътибор қаратилаётганлиги, унда миллий манфаат билан бир қаторда умумтуркий манфаатни ҳам етакчи ўринга қўйилаётганлиги турк суперэтносини ташкил этувчи миллатларнинг ижтимоий-маданий яхлитлигини таъминлашга қаратилган интилишлар сифатида баҳоламоқ лозим. Зеро: «Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжихат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда» [9].

Бугунги тафаккурдаги янгиланишлар шароитида ўзликни англаш хусусиятини ривожлантириш муҳим. Бунинг учун тарихий тафаккурни юксалтириб, илк ўрта асрларда, хусусан VI-VIII асрларда яшаган туркларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти тўғрисидаги ҳаққоний қарашлар асосида жамият тафаккурини юксалтириш лозим. Қадимги туркларнинг ментал қиёфаси, урф-одат ва анъаналари, лисоний умумийлиги туркий миллатларнинг прото-туркий хусусияти ва бугунги умумийликни ифодаловчи тадрижий тараққиёт занжиридаги боғловчи халқа сифатида туркологиянинг диахроник (тил билан алоқадор воқеалар ривожига тарихий-тадрижий ёндашув) моҳиятини ҳам ўзида мужассам этади. Яъни туркий халқлар тарихи яхлит манбадан озиқ олиб, умумий тил, умумий тафаккур ворислари сифатида бир-бирини қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Шу боис, туркийшунослик фақатгина филологик муаммолар мажмуидан иборат бўлмасдан, тарих ва фалсафий муаммолар ечими билан шуғулланган тақдирдагина ўзининг мукаммал моҳиятини намоён эта боради.

Туркий халқларнинг илк тарихи ҳақида гап кетганда бу борадаги дастлабки маълумотларни хитой манбаларидан, яъни уларнинг илк тарихий даврларга оид хронологик маълумотлари, саёҳатчилари томонидан қолдирилган ёзма ахборотлардан топсакда, лекин ҳақиқий турк тарихининг илк ёзма ёдгорликлари бевосита Ўрхун-Енисей битиктошларида тарихий контекстда ҳаққоний ифодаланганлиги билан эътиборли. Ва бу манбалар Туркология фанининг жаҳон миқёсида шаклланишини таъминлаб, фanning

асосчиси сифатида ушбу битиктошлардаги мазмун-моҳиятни тўлалигича талқин этган таниқли туркийшунос В.В.Радлов эътироф этилди. Лекин Хитой манбалари, яъни йилномалари ва ўтмиш воқеаларини акс эттирувчи тарихий маълумотлари таққосланган ҳолда, танқидий усулда ўрганилганда туркий қабилалар тарихи ҳақида муҳим маълумотларни беришини ҳам инкор этмаслигимиз лозим.

Қадимда турклар жуда кенг ҳудудда истиқомат қилган бўлиб, аجدодларимизга хос бўлган маданий ёдгорликлар улар яшаган ва бугунги кунда уларнинг авлодлари яшаб келаётган ҳудудларда учрайди. «...туркий халқларнинг илк ватани жуда кенг минтақаларни ўз ичига олган. Ана шу кенг минтақалар таркибига Ўрта Осиё ҳудудлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон сарҳадлари ҳам кирган. Ҳозирги тасаввурларда бу қадимги прототурк ва туркий этномаданий майдон адабиётларда Евроосиё чўллари деб номланади. Унинг ҳудудий доираси жуда кенг. Ғарбда Қора денгизнинг шимолий-шарқий соҳилларидан Шарқда то жанубий Байкалгача, ички Мўғулистонгача чўзилган чўл ва дашт минтақаларидан иборат. Унинг шимолий чегараси Урал дарёси ва ундан ҳам шимолроққа, фин-угор қабилалари ўрмонларигача кириб боради. Урал тоғи ва унинг жанубий-шарқий тизмалари қадимдан то сўнгги ўрта асрларгача туркий қабилаларга тегишли бўлган» [10]. Бундай улкан ҳудудда истиқомат қилиб, қадимги турклар ўз авлодларига кенг этномаданий майдонни тарихий ва ижтимоий-маданий жараёнларни ўз бағрида акс эттирувчи тадқиқот ҳудуди сифатида қолдирдики, уни тарихий-маданий макон сифатида тадқиқ этмоқ муҳим. Бу маконнинг тарихий илдизлари сак-скиф ва хунлар даври билан боғлиқ бўлиб, Турк ҳоконлиги шароитида янада мустаҳкамланди.

Юқорида эътироф этилган концептуал жиҳатлардан келиб чиқиб, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг истиқболли қирралари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, туркий халқларнинг ягона шаклланиш тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишлар илм-фан ривожини таъминлаши билан бир қаторда бу соҳада этноижтимоий-маданий жараёнлар узлуксиз кечган ҳудуд – Ўзбекистон омилининг етакчилик моҳиятини белгилайди;

иккинчидан, тарихий тафаккурнинг юксалишида турк рунологиясининг ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш умумтуркий тарихий муаммолар ечимида оптимал моҳият касб этиши туркий халқлар орасида азалий қариндошлик ҳамда дўстлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлиши учун ретроспектив характердаги илмий-назарий шарт-шароитларни яратиб боради;

учинчидан, турк рунологиясининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиб, Евроосиё этнослари ёзма тараққиётида шарқ ва ғарб график қадриятларининг ўзаро симбиозлигини, яъни уйғунлигини, бунда қадимги турк битикларининг тарихий илдизлари милоддан олдинги минг йилликларга бориб тақалиши таҳлилий ва таққосий материаллар асосида исботланганлиги миллий туркийшуносликнинг ривожини таъминлаш билан бир қаторда қадимий туркий тошбитикларнинг тарихий аҳамиятини ҳам кўрсатади;

тўртинчидан, умуминсоний қадриятлар тадрижий тақомилида турк рунологиясининг ўрни, маданий цивилизациялашув жараёнларини таъминлашда тошбитикларнинг аҳамиятини фактик маълумотлар асосида исботлаш тарихшуносликнинг янги концептуал қарашлар билан бойишининг таъминланганлигини далиллайди;

бешинчидан, қадимий тошбитикларда тасвирланган илк турк алфавитининг аجدодларимиз маънавий мулки эканлигини исботлаш, унда қадриятларимизнинг акс этганлигини, хусусан руник алфавит ва туркий тамғаларнинг ўзаро алоқадорлик масалаларининг исботланганлиги ижтимоий-маданий анъаналарнинг ворисийлик асосида тадрижий ривожини кўрсатиб, бу тамғалар (энлар)нинг айримлари этноижтимоий ҳаётда бугунги кунда ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш қадриятларимизнинг давомийлигини исботлайди.

Жаҳон илмий тараққиётида турк рунологиясига муносабат масалаларини тадқиқ этиш, хусусан ғарб туркийшунослиги тизимида, собиқ иттифок шароитида ҳамда бугунги кундаги илмий тараққиётда туркий тошбитикларга муносабат масалаларини ўрганиб, илмий жамоатчиликка талқин этиш – миллий туркийшунослик тарихини ўрганишнинг позитив жиҳатларини далиллайди.

Қадимий тошбитикларда эл бирлигини таъминлаш муаммолари, ўзаро яхлитликка эришишда турк рунологиясидаги ғоялар талқини, хусусан элпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари тарғиби – ўзининг тарихий аҳамияти билан бир қаторда бугунги кунда ҳам туркий халқлар мансуб бўлган жамият аъзолари, айниқса ёшлар орасида юқорида таъкидланган ғоялар тарғиби ва тарбиясини таъминлайдики, туркий халқларнинг бугунги ижтимоий-маданий ҳамкорлиги ривожланаётган шароитда бу ўта муҳимдир.

Минтақанинг ҳар-бир миллий давлатига хос бўлган миллий тараққиётнинг ғоявий асосларини ифодаловчи ғоя жамият аъзолари тафаккурида иммунитетни, Ватан тақдири учун масъуллик ҳислатларини ривожлантириб боради. Бу ижобий омил. Шунинг билан бир

каторда туркий халқларни бирлаштирувчи «Умумий тарих тарғиби асосида ижтимоий-маданий ҳамкорлик – интеграциялашув асоси» мазмунидаги умумтуркий ғоя ҳам илгари сурилиши лозимки, бундай ғоя халқларимизнинг бирлашиши ва қон-қариндошлик хислатларининг барқарор ва давомий моҳиятини таъминлашда зарурий омил бўлиб хизмат қилади.

Рун ёдгорликларининг ривожланиш босқичи Иккинчи Турк ҳоконлиги (682-744 йй.) вужудга келган даврга тўғри келиши бежиз эмас. Гарчи Турк руникаларининг шаклланиш босқичи милoddан олдинги IV-III асрлар билан алоқадор бўлсада, битикнинг мукамал шакли қасб этиши учун унинг тадрижий босқичи X асрдан кўпроқ даврни эгаллади. Битик дастлаб маиший сопол буюмларда ифодаланиб, сўнгра эпитафик шаклдаги ривожланиш босқичини ўтган бўлсада, улкан тошларда йирик мазмунли матн сифатида Иккинчи Турк ҳоконлиги шароитида ўзининг мукамаллик чўққисига етди.

Турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у XIII-XV аср олдинги тарихий жараёнларни хронологик изчилликда идрок этиши имконини беради. Илк ўрта асрларда чорвадор турклар ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги мураккаблик уларнинг онгида табиий ўзгаришларни келтириб чиқарди, улар бошқа кадрятлар қаторида эркинликни эъзозлаб, ўзларининг озод давлатчилигини яратиш пайида бўлиб, сиёсий-ҳарбий етакчилар тарқок қабилаларни бирлаштиришга интилдилар. Бунинг учун пароканда элни жипслаштирувчи – Мангу Эл ғоясини ўртага ташлаб, муваффақият ва барқарорликни таъминлаш учун ғоявий имкониятлар сафарбар этилди. Мангу Эл ғояси давр ўзгаришлари ва туркий ментал хусусиятларни мужассамлаштирган ҳолда ёдгорликлар матнларида акс эттирилганлиги эътиборлидир. Руник битикларни нафақат қадимги тил ёки битикнинг манбаи сифатида, балки туркий тилли халқларнинг умумий ва ягона тарихий илдизи сифатида ўрганиш ўзлгимизни англаб, туркий халқларнинг бирлигини мустаҳкамлашда муҳим.

С.Е.Малов (1880-1957 йй.): «Мен қўлимдан келганини қилдим ва бундан яхшироғини эса қудратлилар қилишсин. Ҳали кўп иш бор» [11], - деган эди. Туркийшунос олим ҳақли таъкидлаганидек, бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп бўлиб, ҳар бир тадқиқотчи ўз тафаккур имконияти даражасида ёндашиб, тадқиқотларнинг қолган қисми кейинги изланувчиларини кутиб қолаверади. Зеро, илмнинг кадрят сифатидаги моҳияти ҳам унинг давомийлигида. Давомийлиги таъминланмаган илм тўхтайдди. Тадқиқотчиларнинг зиммасидаги асосий

вазифа илмнинг ҳали очилмаган янгидан-янги қирраларини кашф этишдир.

Қадимги, илк ўрта асрлар ва ўрта асрлар туркларни тўғрисида кўплаб тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Зеро, миллий тарихнинг муҳим компонентлари ушбу даврларга хос бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Тарих саҳнасида турк баҳодирлари инсоният давлатчилиги цивилизацияси ривожини таъминлаб келган экан, ушбу жиҳатларни тадқиқ ва тарғиб этиш муҳимдир.

Француз файласуфи ва битикчиси Шарл-де Монтескье (1689-1755 йй.) туркларни татар сифатида ифодалаб, турклар ҳақида шундай деган эди: «Шон-шуҳрат ва буюк истилолар ботида дунё халқларининг биронтаси ҳам татарларга (туркларга – Н.Н.) тенг келолмаган. Бу халқ – жаҳоннинг ҳақиқий ҳукмдоридир: бошқа барча халқлар гўё унга хизмат қилиш учун яратилгандай. Бу халқ империялар яратувчи ва империяларни маҳв этгувчидир: у барча замонларда жаҳонга ўзининг қудратини намоён қилиб келган... Татарлар икки марта Хитойни истило қилдилар... улар Буюк Мўғул империяси деб аталган чексиз-чегарасиз ҳудудларда ҳукмронлик қилишмоқда» [12]. Буюк файласуф ҳақли таъкидлаганидек, буюк империялар туркларнинг номи билан боғлиқ. Ёки, туркий омилни тарихдаги барча йирик империялар таркибида қўрамиз. Жумладан, Европа мамлакатларида хунларнинг ўрни, Хитой империясида тадрижий босқичларида (милoddан олдин ва милoddнинг илк асрларида туркларнинг табғачлар таркибида ассимиляциялашув жараёнлар, VIII асрларда Ан Лушань бошчилигидаги Тан империясидаги турклар ва сўғдийлар қўзғолонининг енгилиши натижасида туркларнинг хитойлашуви), Ҳиндистонда Бобурийлар, Эронда давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда туркий династиялар (Салжукийлар, Қожарийлар), Рус империяси (империя асосини мустаҳкамлашда Олтин Ўрда омили ва татарларнинг ўрни) мустаҳкамланишидаги тадрижий босқичларда тарихий туркий омилнинг ўрни сезиларли. Инсоният тараққиётидаги давлатчилик асослари бевосита тарихий туркий тажрибадан озикланиши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Шу боис, ёшларни тарихий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда туркий омилнинг инсоният давлатчилиги тадрижий такомилидаги ўрни масалаларига эътибор қаратиш ёшларда фахр-ифтихор ҳиссининг ўсишига хизмат қилади. Бугунги маънавий янгиланишлар шароитида ёшларда интеллектуал салоҳиятни юксалтириш орқали уларда Ватан ва элга содиқлик хислатларини ривожлантириш лозим. Албатта, интеллектуал салоҳиятни тарихий тафаккурсиз тасаввур этишнинг имкони йўқ. Шу нуқтаи-назардан жамият

аъзолари, хусусан ёшларда ватанпарварлик ва элпарварлик хислатларининг ривожига хизмат қилувчи тарихий тафаккурни ўстиришда турк рунологиясидаги ҳикматларни қадрият

сифатида ўрганиш ва уларни тарғиб этиш – туркий бирликнинг етакчи компоненти сифатида ўзлигимизни англашда муҳим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 8. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2004. – 274 б.
2. Исхаков Д.М., Измайлов И.Л. Этнополитическая история татар. – Казань: Школа, 2007. с. 7.
3. Теория «кочевых цивилизаций» создана политиками <http://uhhan.ru/news/2019-02-05-16468>
4. Бобоёров Ғ. Ғарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Тошкент: Yanginashr, 2018. – 25 б.
5. Щербак А.М. Тюркская руника: происхождение древнейшей письменности тюрков. – Санкт-Петербург: «Наука», 2001. – с. 87.
6. Спасский Г. Древности Сибири // Сибирский вестник, издаваемый Григорием Спасским. 1818. Часть первая. – Санкт-Петербург. В типографии
- Иос Иолинесова, 1818. – с. 67.
7. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркское государство в VI-VIII веках. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2006. – с. 124.
8. Миллий ғоя – хавфсизлик ва барқарорлик омили / М.Жакбаров ва бошқ. – Тошкент: “Turon zamin-ziyu” нашриёти, 2014. – 9 б.
9. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 558 б.
10. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 264 б.
11. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1952. – с. 3.
12. Монтескье Ш. Персидские письма. – М.: 1956. – с. 198.

Ўрхун-Енисей битикларининг тарихий аҳамияти Назаров Н.

Чирчик давлат педагогика университети

Ушбу мақолада қадимги турк ёзуви бўлган Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, унинг моҳиятини талқин этишнинг тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Ёзув матнларидан мисоллар келтирилиб, уларнинг мазмунига эътибор қаратилади. Турк рунологиясини ўрганиб, ундаги ғояларни тарғиб этиш механизмлари илгари сурилиб, тарихий ғоялар асосида миллий ва умумтюркий тафаккурни юксалтириш ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш аспектларига урғу берилади. Туркий цивилизация ҳақида атрофлича тўхталиб, ушбу маданий жараёнларнинг илк босқичлари милoddан олдинги X-V асрлар билан боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Ушбу цивилизация кўчманчилик ва ўтроқ маданият ҳосиласидан иборат эканлиги ғоялари илгари сурилади. Ҳамда туркий цивилизация турк ҳоқонлиги шароитида ўзлигини намоён этганлиги, шу боис, унинг тадқиқ этилиш босқичлари ҳақида таҳлилий маълумотлар берилади. Шунингдек, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг истиқболли қирралари тадқиқ этилади.

Историческое значение Орхон-Енисейских надписей Назаров Н.

Чирчикский государственный педагогический университет

В данной статье рассматривается историческое значение интерпретации Орхон-Енисейских письменных памятников древнетюркской письменности. Приведены примеры из написанных текстов и уделено внимание их содержанию. Выдвигается изучение тюркской рунологии, механизмов пропаганды ее идей, делается акцент на аспектах поднятия национального и общетюркского мышления и обеспечения взаимопонимания на основе исторических представлений. Касаясь подробно тюркской цивилизации, говорится, что первые этапы этих культурных процессов связаны с X-V веками до нашей эры. Выдвигается мысль о том, что эта цивилизация является продуктом кочевой и оседлой культуры. Также о том, что тюркская цивилизация проявляла себя в условиях тюркского каганата, поэтому дана аналитическая информация об этапах ее изучения. Также исследуются перспективы изучения и популяризации тюркской рунологии.

The historical significance of the Orkhon-Yenisei inscriptions Nazarov N.

Chirchik State Pedagogical Universities

This article discusses the historical significance of the interpretation of the Orkhon-Yenisei written monuments as a ancient Turkic writing. Examples from written texts are given and attention is paid to their content. The study of Turkic runology, mechanisms for promoting its ideas is put forward, emphasis is placed on aspects of raising the national and general Turkic thinking and ensuring mutual understanding based on historical ideas. Referring in detail to the Turkic civilization, it is said that the first stages of these cultural processes are associated with the X-V centuries BC. The idea is put forward that this civilization is a product of a nomadic and sedentary culture. It is also about the fact that the Turkic civilization manifested itself in the conditions of the Turkic Khaganate, therefore, analytical information is given about the stages of its study. The prospects for the study and popularization of Turkic runology are also explored.